

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

362 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага
ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-7*

(2012 йил 10 августдан кучга киради)

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 28 июль,
22/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил
28 июлдаги 22/1-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 12-банднинг «г» кичик бандидан «ҳамда нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 14-банднинг «в» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ, имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча. Мазкур кичик банднинг нотариал тасдиқлашга доир қисми тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди.»

3. 32 ва 33-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Юридик шахсларнинг, шунингдек уларнинг ваколатхона ва филиалларининг имзолари намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча нотариал тасдиқланади. Мазкур талабнинг нотариал тасдиқлашга доир қисми тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Касаба уюшмалари бирламчи ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча уларнинг юқори турувчи касаба уюшмалари бирлашмаси томонидан тасдиқланади.

Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча икки нусхада тақдим қилинади. Варақчанинг бир нусхаси бухгалтерда, иккинчиси эса, пул чекларини расмийлаштирувчи назоратчида туради. Банкларда мижозларнинг бир нечта ҳисобварақларига хизмат кўрсатиладиган бўлса, улардан имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар юқорида кўрсатилган тартибда қўшимча равишда талаб қилиниши мумкин. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчаларда ҳисобварақларнинг рақамлари кўрсатилади.

33. Юридик шахс раҳбари иккита имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга — раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи, иккинчисига — бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киреди.

Банкда ҳисобварақ очиш учун юридик шахслар банкка раҳбар, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс имзолари намуналари ва думалоқ муҳр изи қўйилган варақчани икки нусхада тақдим қилади. Микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахснинг имзо намунасини тақдим этиш талаб этилмайди.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган дехқон ҳўжалиги бошлиғи ва яқка тартибдаги тадбиркор думалоқ муҳри бўлмаган ҳолларда, ўз имзолари намуналарини тақдим этади.

31 (531)-сон

— 35 —

362, 364-моддалар

Тўловга такдим этиладиган чекларнинг рақамларини текшириш мақсадида банк миждозларга берган пул чеклари рақамларини масъул иждрочи ва назоратчилардаги миждозларнинг имзолари ҳамда мухр излари намунаси кўрсатилган варақчада қайд этилади.».

4. 38-банд қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:
«Мазкур банднинг нотариал тасдиқлашга доир қисми тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди.».

5. 41-банддаги «корхонани» деган сўз «юридик шахсни» деган сўзлар билан алмаштирилсин ва «нотариал тасдиқланган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.